

Бақара сураси, 58-оят

04:25 / 06.09.2017 4578

«Ушбу шаҳарга кириш ва унда хоҳлаган жойингизда бемалол енг ҳамда эшикдан таъзим билан кириш ва: «Ҳиттотун», - денг, сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшилиқ қилувчиларга зиёда қиламиз», - деганимизни эсланг. Бақара 58.

Аввал бир неча бор такрорланганидек, бу ҳодисаларнинг баёни бошқа сураларда батафсил келади, ҳозир эса қисқача эслатиляпти. Ушбу оятдаги

«Ушбу шаҳарга кириш...» деган жумладаги «шаҳар»дан мурод Қуддуси шарифдир. Узоқ замонлар Мисрда ватангадо бўлиб юрган Бану Исроилга Аллоҳ таоло ватан ато қилиб, «Ушбу шаҳарга кириш», - деяпти. Бунинг устига, яна:

«...унда хоҳлаган жойингизда бемалол енг...» - деб катта марҳамат кўрсатяпти.

Шу билан бирга, қандай ҳолда кириш лозимлигини ҳам ўргатяпти:

«...эшикдан таъзим билан кириш ва: «Ҳиттотун», - денг...» яъни «Одоб билан «Ҳиттотун» деган сўзни айтиб кириш», - дейилди.

«Ҳиттотун» дегани «Афв эт, гуноҳимни кеч» деган маънони англатар экан.

Бундан кўринадики, Аллоҳ неъмат ато қилганда, албатта шукр этиш керак. Шукр ҳам сўз билан, ҳам амал билан бўлиши лозим.

Бану Исроил агар қишлоққа сажда ила, гуноҳларини кечишини сўраб, Аллоҳ ўргатган сўзни айтиб кирсалар, У Зот уларга мағфират ваъда қилди.

«...сизнинг хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшилиқ қилувчиларга зиёда қиламиз», - деди.

Хўш, Бану Исроил бунга жавобан нима қилди?